

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСҚАРОВА ШАХНОЗА КАМОЛИДИНОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТАКРОРНИНГ  
ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира  
тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

УДК: 811.111 `362  
811.512.133`362

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Philological Science**

**Асқарова Шахноза Камолидиновна**

Инглиз ва ўзбек тилларида такрорнинг лингвистик хусусиятлари ..... 3

**Асқарова Шахноза Камолидиновна**

Лингвистические особенности повтора в английском и узбекском  
языках ..... 23

**Askarova Shakhnoza Kamolidinovna**

Linguistic Peculiarities of Repetition in English and Uzbek ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСҚАРОВА ШАХНОЗА КАМОЛИДИНОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТАКРОРНИНГ  
ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира  
тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/Fil374 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қулмаматов Дўсмамаат Саттарович**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Сиддиқова Ирода Абдузухуровна**  
филология фанлари доктори

**Насруллаева Нафиса Зафаровна**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филол. ф.д., профессор

**Қ.П. Содиков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, филол.ф.д., профессор

**А.Қуронбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида турли тизимли тилларда ёзилган матнларни қиёслаб ва чоғиштириб ўрганишга эътибор тобора ортиб бормоқда. Бунга сабаб тиллар орасидаги коммуникативликнинг кун сайин такомиллашаётганлигидир. Тиллараро муносабатлар, уларнинг бир-бирига таъсирини диахрон ва синхрон нуқтаи назардан очиб бериш ҳамда инглиз, ўзбек тиллари миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ этиш тилшунослик равнақига кенг йўл очади. Турли адабий жанрларда қўлланилган, умумлисоний характерга эга бўлган такрорнинг бадиий асарлар аслияти ва таржимасида ифодаланиши ҳамда унинг инглиз ва ўзбек тиллари мисолида чоғиштирилиши ҳар бир тилнинг ўзига хос қирраларини очиб беради, назарий асосларини аниқлашга имкон яратади.

Дунё тилшунослигида стилистика, таржимашунослик ва лексикография бўйича илмий тадқиқот ишларининг кўлами кенгаймоқда. Шу боис турли тизимли тилларда такрор турлари ва вазибалари (товуш такрори, деривацион такрор, лексик такрор, фраза такрори, семантик такрор, синтактик такрор) ифода усулининг лингвистик хусусиятлари; бадиий асарлардаги такрорнинг семантик ва стилистик таҳлили; такрорни ифодаловчи тил бирликларини чоғиштирма тадқиқ этиш; такрорнинг структуравий ва типологик жиҳатдан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш каби устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, «Олий таълим муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир»<sup>1</sup>. Ўзбек тилшунослигида такрорнинг муайян тил сатҳида воқеланиши, унинг концептуал хусусиятларини аниқлаш, бошқа семантик категориялар билан боғлиқлигини илмий асосда исботлаш борасида ишлар олиб борилмоқда. Инглиз ва ўзбек тиллари бадиий матнларида учрайдиган такрорларни чоғиштириб, семантик-стилистик ва лингвистик жиҳатларини кўрсатиб бериш; фаол тил воситаси сифатида нутқ таъсирчанлигини оширувчи хусусиятларини таҳлил этиш; когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан матн ифодаловчи функцияларини ўрганиш тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштири чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазибалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Халқ сўзи, 2018 йил 25 декабрь. № 258 (6952).

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бадиий асарлар таржимаси матнинг лексик қатламини ўрганиш масаласига етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги боис стилистик лексикология борасида кўпгина муаммолар ҳанузгача ўз ечимини кутмоқда. Шулардан бири бадиий асарларда кенг кўламда қўлланиладиган тил бирликлари қаторига кирувчи, тилнинг ифода усулларидан бири, нутқдаги маълум баёнларни алоҳида таъкидлаш учун хизмат қилувчи такрорни турли тизимли тиллар мисолида тадқиқ этишдир.

Такрор кенг тарқалган стилистик ҳодиса бўлиб, турли жанрлар матнида учрайди. Кўпдан буён у лингвистикада тадқиқотнинг фаол объекти сифатида қатор тилшунослар томонидан ўрганилган<sup>2</sup>. Такрорнинг когнитив, миллий-маданий хусусиятларини ўрганишга бағишланган бир қанча тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, Ш.Балли, А.Шомақсудов, С.А.Глазырина, В.Ю.Казакова, Е.А.Давидова, И.И.Туранский, Е.В.Метлякова<sup>3</sup> каби олимлар такрорни ўзбек, инглиз, рус ва француз тилларида таҳлил этиб, унинг назарий муаммоларига аҳамият қаратганлар.

---

<sup>2</sup>Shih-ping, W. Corpus-based approaches and discourse analysis in relation to reduplication and repetition / Wang Shih-ping // Journal of Pragmatics. – 2005. – № 37; Tovares A.V. Intertextuality in Family Interaction: Repetition of Public Texts in Private Settings. Unpublished Ph.D. Dissertation, Georgetown University. Public Medium, Private Talk: Gossip about a TV Show as «Quotidian Hermeneutics». Text & Talk, 2006. 26.4:463–91; Friedrich P. The Language Parallax: Linguistic Relativism and Poetic Indeterminacy. Austin T.X.: University of Texas Press, 1986. – P. 154; Глазырина С.А. Стилистические и текстообразующие функции повтора словообразовательных единиц: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент., 1993. – С. 253; Астафьева И.М. Виды синтаксических повторов, их природа и стилистическое использование (на материале современного английского языка): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1964. – 24 с.; Ашурова Д.У. Художественный текст в контексте национальной культуры // Linguistics-II. – Ташкент, 2011. – С. 15-17; Блох М.Я. Очерки по стилистике современного английского языка. – М.: Из-во литературы на ин. яз., 1975. – 67 с.; Головкина Н.Т. Повтор как стилистическое средство в различных видах и жанрах: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 1964. – 18 с.; Громогласова Т.И. Повтор в системно-структурном и антропоцентрическом аспектах: на материале русского и английского молодежного дискурса: Дисс. ... канд. филол. наук. – Бийск, 2011. – 216 с.; Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. – М.: Изд-во литературы на ин. яз., 1958. – С. 208-216; Еременок О.И. Ответно-воспроизводящий повтор в английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Одесса, 1984. – 174 с.; Зияев А. Инглиз тилида сўз маъноларини кучайтиришнинг лингвокогнитив аспекти: Филол. фан номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2009. – 26 б.; Савченко Л.И. Повтор как стилистическая категория в художественной прозе Ф.М.Достоевского: Дисс. ... канд.филол.наук. – Ташкент, 2005. – 203 с.; Добижа О.А. Лексико-грамматический повтор как средство выражения категорий количества и степени: Дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2007. – 155 с.

<sup>3</sup> Шомақсудов А. ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 82 б.; Глазырина С.А. Стилистические и текстообразующие функции повтора словообразовательных единиц: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1993. – 22 с.; Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Высшая школа, 1979. – 183 с.; Казакова В.Ю. Семантический повтор универсальное и национальное: на материале русского и английского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2000. – 185 с.; Давыдова Е.А. Расширенный повтор и перифраз в современном английском публицистическом тексте: Дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2007. – 155 с.; Туранский И.И. Средства интенсификации высказывания в английском языке. – Куйбышев, 1987. – 285 с.; Метлякова Е.В. Лексический повтор как семантико-стилистическая категория организации лирического текста в раннем творчестве Анны Ахматовой: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ижевск, 2011. – 25 с.

Инглиз тилшунослари такрорнинг турлари ва уларнинг матнда акс этишини кўпроқ илмий асослашган бўлса<sup>4</sup>, ўзбек тилшунослари кўпроқ унинг эмоционал-экспрессив хусусиятларини таҳлил этишган<sup>5</sup>. Бу ўринда рус тилшуносларининг такрорга нисбатан муносабатини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Н.П.Потоцкая, З.И.Хованская, И.Ю.Ковальчук<sup>6</sup> каби олимлар такрорга стилистик усул сифатида ёндашиб, унинг матн ва дискурсадаги функциялари, хусусиятларини тадқиқ этганлар. Масалан, Н.П.Потоцкая такрор ёки репризани маълум бир синтактик қурилма ва гап бўлакларидаги бир ёхуд бир неча сўзнинг икки ёки ундан кўп маротаба қўлланадиган стилистик усул сифатида баҳолайди<sup>7</sup>.

Сўзловчи нутқининг эмоционал-экспрессивлигини таъминловчи воситалардан бири – такрорнинг айрим қирралари тилшунослар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, С.А.Глазирини такрорнинг инглиз тилида матн яратиш функциясини, И.И.Ковальчук рус тилида такрор ва унинг матндаги функцияларини, Е.В.Метлякова А.Ахматованинг шеърий мантлари асосида лексик такрорни тадқиқ қилган. В.Ю.Казакова эса рус ва инглиз тилларида семантик такрорнинг универсал ҳамда миллий жиҳатларини ўрганган. Аммо қардош бўлмаган тиллар бадиий адабиёти билвосита ва бевосита таржималари матнида такрорнинг қўлланиш хусусиятлари ханузгача етарлича тадқиқ этилмаган. Шу сабабли инглиз ва ўзбек ёзувчиларининг бадиий асарлари бевосита ва билвосита таржималарида учрайдиган такрорни талқин этиш муҳим аҳамиятга эга. Инглиз тилшуносларининг такрорга бўлган қарашлари кўпроқ унинг қандай стилистик троплар билан алоқадорлиги, турлари ва функцияларининг илмий тадқиқида ўз аксини топган бўлса, ўзбек тилшунослари такрорнинг ифодага қай даражада ҳиссий таъсир ўткази олиши матндаги турли функцияларини таҳлил этилиши билан белгиланади.

Демак, инглиз ва ўзбек тилларидаги такрорнинг хусусиятларини атрофлича ўрганиш мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Лингвистика ва хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг назарияси ва амалиёти» мавзусидаги комплекс илмий тадқиқотлар йўналишлари доирасида бажарилган.

---

<sup>4</sup>Shih-ping, W. Corpus-based approaches and discourse analysis in relation to reduplication and repetition / Wang Shih-ping // Journal of Pragmatics. – 2005. – № 37; Tovares A.V. Intertextuality in Family Interaction: Repetition of Public Texts in Private Settings. Unpublished Ph.D. Dissertation, Georgetown University. Public Medium, Private Talk: Gossip about a TV Show as “Quotidian Hermeneutics.” Text & Talk, 2006. 26.4:463–91.

<sup>5</sup>Ҳожиёв А. Ўзбек тилида қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. – Тошкент: ЎзФАН, 1963. – Б. 35; Абдиев А.Т. «Алпомиш» достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Нукус, 2011. – Б. 17; Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. –Тошкент, 2007. – Б. 80.

<sup>6</sup>Потоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка: Теоретический курс. – М.: Высшая школа, 1974. – С. 184; Хованская З.И. Стилистика современного французского языка. – М.: Высшая школа, 1984. – С. 290-315; Ковальчук И.Ю. Повтор и его функции в тексте: Дисс.... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2004. – С. 49.

<sup>7</sup>Потоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка: Теоретический курс. – М.: Высшая школа, 1974. – С. 184.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тилларида такрорнинг лингвистик хусусиятларини чоғиштириб ўрганиш орқали эмоционал-экспрессив, ахборотни йўналтирувчи ва матн яратувчи хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инглиз ва ўзбек тилларининг турли сатҳларида такрорнинг ифодаланишига оид тадқиқотчиларнинг илмий-назарий қарашларини таснифлаб, унинг икки халқ миллий менталитетига хос экстралингвистик, миллий-маданий хусусиятларини очиб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги бадиий асарлар ва уларнинг таржималари матнларида учрайдиган такрорнинг семантик ҳамда стилистик хусусиятларини изоҳлаш;

инглиз ва ўзбек бадиий асарлар матнларида такрорнинг маъно кучайтириш ҳамда лисоний тежамкорликни амалга ошириш ролини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларида такрорни ифодаловчи тил бирликларининг шеърий таржималарда акс этишини таҳлил этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** инглиз ва ўзбек тиллари бадиий асарлари ва уларнинг таржималаридаги такрор ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** инглиз ва ўзбек тиллари бадиий асарлари ҳамда уларнинг таржималаридаги такрорнинг лингвистик хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мавзуни ёритишда чоғиштирама ва лингвостатистик (элементлари) таҳлил методлари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

инглиз ва ўзбек тилларининг турли сатҳларида такрорнинг ифодаланиш моҳиятига бағишланган тадқиқотчиларнинг илмий-назарий қарашлари орқали унинг икки халқ миллий менталитетига хос экстралингвистик, миллий-маданий хусусиятларини ёзма нутқда акс этиши исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги бадиий асарлар ва уларнинг таржималари матнидаги такрорнинг *структур, семантик, стилистик* хусусиятлари ҳамда *эстетик, матн яратувчи, ахборотни йўналтирувчи* вазифалари далилланган;

чоғиштирилаётган тиллар бадиий асар матнлари ва уларнинг таржималарида такрорнинг эмоционал-экспрессив функцияларини таснифлаш, маъно кучайтириш, лисоний тежамкорликни амалга оширишдаги роли исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларида такрорни ифодаловчи тил бирликларининг шеърий таржима матнларида акс этиши чоғиштирилган, уларнинг ўхшаш, яъни ҳар икки тилда *аллитерация, анафора, антиципация, ассонанс, параллелизм, плеоназм, редупликация, тавтология* каби турлари мавжудлиги далилланган;

*epizauxis, conduplicatio, diacope* каби терминларнинг ўзбек тилида муқобили учрамаса-да, ўзбекча шеър ва матнларда уларнинг муайян белгилари мавжудлиги чоғиштирама таҳлиллари орқали аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий ўқув юртларида стилистика, чоғиштирама тилшунослик ва бадиий таржима дарсларида такрорларни қўллаш механизми ишлаб чиқилган;



инглиз ва ўзбек бадиий асарларининг аслият ҳамда таржима матнларида қўлланиладиган такрорнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари чоғиштирма аспектда асосланган;

инглиз ва ўзбек тилинг изоҳли луғатларида қайд этилган такрорларнинг статистик таҳлили натижасида аниқ маълумотлар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, уларни далилловчи маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тўпланган материаллар таҳлилининг илмий ва методологик жиҳатдан асосланганлиги, назарий хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тиллари бадиий матнида такрор ифода усули сифатида чоғиштира лингвистика нуқтаи назаридан ўрганилганлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан олий таълим тизимида «Нутқ маданияти асослари», «Стилистика», «Лексикология», «Чет тили (инглиз)», «Ҳозирги ўзбек тили» каби фанлар ва махсус курсларни ўқитишда, диссертация ишлари ва монографияларни ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан характерланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Такрорнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги лингвистик хусусиятларини чоғиштириш орқали олинган натижалар асосида:

ўзбек тилидаги такрорнинг мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарида акс этиши бўйича олинган илмий-назарий хулосалардан Ф1-ФА-0-55746 «Марказий Осиё халқлари адабий қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини тўплаш ва уларни илмий тавсифлаб нашрга тайёрлаш» номли фундаментал лойиҳасида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 16 февралдаги 313, 12-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотдан ўрин олган материаллар лойиҳа доирасида нашр этилган «Тўтинома» ва «Қуш тили» типидagi асарларнинг қиёсий-типологик ва текстологик тадқиқи» номли монографияларда Навоий асарларида қўлланилган такрор бўйича маълумотлар беришда асос бўлган;

сўз, сўз бирикмаси ва гап такрорлари бўйича олинган натижалардан № ОТ-А1-53 «Таржима назарияси ва амалиёти факультети талабалари учун «Translation in Use» дарслигини яратиш ва нашр қилиш» мавзусидаги амалий лойиҳада кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 4 декабрдаги ФТА-0211/1234-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши магистратура мутахассислиги бўйича инглиз тилида дарслик ва лингвистик луғат яратиш имконини берган;

такрорнинг стилистик хусусиятларига бағишланган хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O`zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Бедорлик» радиоэшиттиришининг қатор сонларини тайёрлашда

фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O`zbekiston» телерадиоканали ДУКнинг 27 ноябрь 2017 йилдаги О`z/2-1-119-сон маълумотномаси). Натижада ушбу радиоэшиттириш инглиз ва ўзбек тилидаги тадқиқотларнинг бугунги ҳолати, замонавий тилшуносликнинг ютуқлари ҳамда такрорнинг турли функциялари ҳақида маълумот беришда, радиотингловчиларни ҳар икки тилдаги такрорга оид янги маълумотлар билан таништиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Такрор лингвистик ҳодиса сифатида: тадқиқотнинг назарий масалалари**» такрор ва унга ёндош назарий тушунчалар, уни ифодаловчи тил бирликлари, матндаги талқини ҳамда инглиз ва ўзбек тилларида сўз такрори билан боғлиқ фонографик воситалар таҳлиliga бағишланган.

«Такрор ва унга ёндош назарий тушунчалар» деб аталган дастлабки параграфда такрорнинг лисоний мақомини аниқлаш борасидаги назарий муаммолар, унга ёндош тушунчалар тадқиқ этилган. Антик даврларда такрор дастлаб риторик воситалар жумласига киритилган, сўнгра эса стилистика алоҳида фан бўлиб ажралиб чиққанлиги сабабли у стилистик ҳодиса сифатида талқин этила бошланди. Такрор, унинг турлари ва таснифига бағишланган кўпгина тадқиқотлар стилистика доирасида амалга оширилган<sup>8</sup>.

«Такрор» [қайтариқ, такрорлаш] термини лингвистик адабиётда «такрорлаш», «редупликация» (сўз негизини такрорлаш йўли билан янги сўз ясаш), «икки мартага ошириш», айрим ҳолатларда бир-бирдан фарқланмайдиган,

---

<sup>8</sup>Казаева Л.И. Виды и функции повторов в текстах поэтического и художественного жанров // Вестник Югорского Государственного университета, 2006. – С. 96.

турли маъноларни ифодаловчи тушунча сифатида талкин қилинади<sup>9</sup>. Тадқиқотчилар такрорларни тилнинг турли сатҳлари (фонетик, лексик, морфологик, синтактик) ва соҳаси (тилшунослик, адабиётшунослик)да ўрганишган<sup>10</sup>.

Ш.Венгнинг таъкидлашича, «такрор ҳар ерда, кундалик тилнинг барча жабҳаларида» мавжуд, шунингдек, адабий дискурсда ҳам, қолаверса, товуш ва дискурснинг мазмун даражаларидаги муқаррар «муסיқий исён» «товуш такрорлари» ва «такрорнинг/синонимларнинг ҳар хил турлари» ўртасида намоён бўлади<sup>11</sup>. А.Товарес такрорга биров бошқачароқ ёндашган, яъни уни матн билан алоқадорликда тадқиқ этган. Ўзининг «Intertextuality in Family Interaction: Repetition of Public Texts in Private Settings (Оилавий муносабатларда интертекстуаллик: оммавий матнларнинг хусусий муомаладаги такрори)» илмий ишида оила аъзолари ўзаро суҳбатида телевизор орқали эшитган тил бирликларини қўллашда такрордан қандай фойдаланишлари, телешоуларни қай ҳолда муҳокама қилишлари, уларга нисбатан ўз баҳоларини беришлари, кундалик дискурсда умумийлик ва хусусийлик алоқалари борасидаги тушунчаларни кенгайтиришни кўрсатиб беради<sup>12</sup>. П.Фредрих шеърий нутқда товуш (аллитерация, ассонанс) ва сўз (такрир, таржиъ) такрорини нутқнинг комплекс шакллари узвийлигида ҳамда турли экспериментлар устида такрорнинг аҳамиятини дискурсда ўрганган<sup>13</sup>. Агар такрор тилнинг асосий лирик аспекти ҳисобланса, Кинаннинг таъкидлашича, шубҳасиз, психолингвистик адабиётдаги асосий дискурс болаларга мурожаат қилинганда қайтарилувчи умумий ифодалардан иборат бўлгани боис болалар дискурси такрорнинг энг муҳим манбаидир<sup>14</sup>.

З.И.Хованская такрорни «конструктив тартибдаги стилистик усул» сифатида таърифлаб, уни бир ёки бир неча сўзни маълум матн ичида турли синтактик позицияларда қайтарилишини илмий-назарий нуқтаи назардан асослайди<sup>15</sup>. Тадқиқотчилар, шу ўринда, В.А.Мальцев такрорнинг ҳар қандай лисоний миқёсда, сатҳда параллелизмни юзага келтира олиш хусусиятига эга эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, 1) параллелизм матн сегментларини ўзаро мутаносиблаштиришга хизмат қилади ва бунда у симметрик тузилмалар яратади, мазкур сегментларнинг композицион структурасини тартибга солади ва уларнинг мазмун жиҳатидан бир хиллигини қайта тиклашга ёрдам беради; 2) такрор матндаги чизиклиликни енгиласига қаратилган, у ўқувчига матннинг

<sup>9</sup>Қаранг: Ахманова С.О. Словарь лингвистических терминов. – М.: Просвещение, 1987. – С. 378.

<sup>10</sup>Абдуллаева А. Эмоционально-экспрессивная лексика в современной узбекской прозе (по роману Абдуллы Каххара «Огни Кошчинара»): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1968. – С. 18-19; Ҳасанов А. Абдулла Қахҳор хикояларида бадиий такрорнинг лингвопоэтик хусусиятлари // Илм, фан тараққиёт интеграцияси / Илмий-услубий мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 5-8.

<sup>11</sup>Shih-ping, W. Corpus-based approaches and discourse analysis in relation to reduplication and repetition / Wang Shih-ping // Journal of Pragmatics. – 2005. – № 37.

<sup>12</sup>Tovares A.V. Intertextuality in Family Interaction: Repetition of Public Texts in Private Settings. 2005. Unpublished Ph.D. Dissertation, Georgetown University, Text & Talk, 2006. 26.4: 463–91.

<sup>13</sup>Friedrich, Paul. The language parallax: Linguistic relativism and poetic indeterminacy. Austin, TX: University of Texas Press. 1986. – P. 154.

<sup>14</sup>Tovares A.V. Intertextuality in Family Interaction: Repetition of Public Texts in Private Settings. 2005. Unpublished Ph.D. Dissertation, Georgetown University. 2006. Public Medium, Private Talk: Gossip about a TV Show as «Quotidian Hermeneutics». Text & Talk, 26.4:463–91.

<sup>15</sup>Хованская З.И. Стилистика современного французского языка. – М.: Высшая школа, 1984. – С. 305.

аввалги қайта кодлаштирилган сегментига қайтишга ва айни пайтдаги қайта кодланаётган матн билан уни таққослашга мажбур этади<sup>16</sup>. А.П.Сковородников такрорни матндаги позицияси, тутган ўрнига қараб тадқиқ этган. У позицион-лексик такрорлашларни стилистик ҳодиса сифатида ўрганиб, уларнинг асосий функцияларини таснифлаган: 1) матн бирликларини такрорлаш, аҳамиятини ошириш; 2) асосий ғояни, аҳамиятли деталларни аниқлаштириш; 3) жумла ремасини таъкидлаш; 4) жумланинг синтактик кенгайишига шароит яратиш; 5) ҳатти-ҳаракатларни интенсификациялаш<sup>17</sup>.

Такрорнинг бадиий матндаги мазмуний яхлитликни яратиш усули И.В.Арнольд ва И.Я.Чернухиналарнинг илмий асарларида баён этилган. Сўзнинг тез-тез такрорланиб турадиган маънолари унинг семантик жиҳатдан ўзаро боғлиқлигини юзага келтиради ва матн қисмларининг интеграциясини таъминлаб беради<sup>18</sup>.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи «Такрор ва уни ифодаловчи тил бирликлари» такрорнинг матн таркибидаги ўрни, такрорланувчи бирликлар компонентлари сони таҳлилига бағишланган. Такрорнинг бир неча асосий турларини келтириш мумкин:

1) такрорланувчи тил бирликларининг характериға кўра – товуш, алоҳида морфема, сўз, фразеологизмлар, турғун иборалар, морфологик шакллар, лексик блоклар, синтактик конструкциялар такрори;

2) матн таркибида бир-бирига нисбатан жойлашуви белгисига кўра контакт ва дистант такрор;

3) композицион вазифалари бўйича матн таркибида анафорик, ҳалқа, эпифорик, сатр, банд (шеърят) такрори;

4) матнда бирликларнинг такрорланишиға кўра икки, уч ва кўп марта келувчи такрорлар;

5) такрорланувчи бирликлар сифатиға кўра – тўлиқ ва қисман такрорларға ажратилади<sup>19</sup>.

Тил бирлиги сифатида қадимдан маълум бўлган такрор, жумладан, унинг таркибига киритилган *анадиплосис*, *анафора*, *антиципация*, *ассонанс*, *гапнология*, *параллелизм*, *плеоназм*, *редупликация*, *реприза*, *рифм*, *тавтология*, *хиазм*, *эпаналепсис*, *эпифора* каби терминлар юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий ишларида батафсил таҳлил этилган.

Ўзбек тилида такрор воситаси билан такрорий сўзлар фарқланади<sup>20</sup>. Такрорий сўзнинг такрорий восита сифатида қўлланиши натижасида унинг лексик маъноси кенгайди. А.Ҳожиёвнинг фикрича, «бундай ҳолларда такрорий сўз ҳосил бўлмайди, балки у бир сўзнинг такрори ҳисобланади»<sup>21</sup>.

<sup>16</sup>Мальцев В.А. Параллелизм, его связи с повтором и роль в организации художественного текста // Романское и германское языкознание. – Минск: Изд-во Минск. гос. пед. ин-та ин. яз., 1976. – № 6. – С. 128-140.

<sup>17</sup>Сковородников А.П. Позиционно-лексический повтор как стилистическое явление // Филологические науки, 1984. – № 5. – С. 71-76.

<sup>18</sup>Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка (стилистика декодирования): учеб. пособие для студентов пед. ин-тов. 3-е изд. – М.: Просвещение, 1990. – С. 37.

<sup>19</sup>Блох М.Я. Очерки по стилистике современного английского языка. – М.: Изд-во литературы на ин. яз., 1975. – С. 67.

<sup>20</sup>Ҳожиёв А. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 88.

<sup>21</sup>Ўша асар. – Б. 89.

Учта тўп бирваракай отади. Гумбур-гумбур отади. Масжид қуюқ-қуюқ тутунда қолади (Т.Мурад).

Сизни бир қора ҳўкиз ханжардай шохлари билан сузиб... Йўқ! Йўқ! Эсласам, эгим жунжикиб кетадир! (П.Қодиров)

Бизнингча матнларда келтирилган **гумбур-гумбур**, **қуюқ-қуюқ** такрорий сўздор, **Йўқ! Йўқ!** эса образ руҳиятини янада ёрқинроқ ифодалаш мақсадида қўлланилиган такрордир. Такрорий сўзлар бир сўзнинг такрор ҳолда қўлланиши билан шу сўзнинг лексик маъносидан ташқари маълум грамматик маънолар (кўплик, давомийлик каби) ифодаловчи, лексик ва грамматик жиҳатдан бир бутунликда қўлланиладиган тил бирликларидир.

### Такрор билан такрорий сўз ўртасидаги фарқли жиҳатлар

т/р	Такрор сўзлар	Такрорий сўзлар
1.	Орасидаги пауза узунроқ бўлади.	Орасидаги пауза қисқа бўлади.
2.	Икки ёки ундан кўп бор такрорланиб келиши мумкин.	Такрорий сўзлар эса икки компонентли бўлади.
3.	Пунктуацион жиҳатдан (ёзма нутқда) такрор сўзлар орасига вергул қўйилади.	Такрорий сўзлар орасига эса дефис қўйилади.

Такрорнинг ҳам ўзига хос турлари мавжуд бўлиб, улар бадий матнда сўз такрори (А), сўз бирикмаси такрори (Б), гап такрори (В) тарзида учрайди. Масалан:

**А.** ... *this nation, under God, shall have a new birth of freedom and that government of **the people**, by **the people**, for **the people**, shall not perish from the earth*(*Abraham Lincoln in the Gettysburg Address*).

**Совуқ, совуқ, совуқ, қоронғу...**, – ер қаъридан келатган товуш уларни ҳайратга солиб, эсанкиратиб қўйди (Ҳ. Орифий).

Шу ўринда турли тизимли икки тилнинг ўзига хос лингвистик хусусиятига алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Инглиз тилидаги мисолда отга хос хусусият бўлмиш артикл ҳам такрор келган, ўзбек тилидаги гапда эса артикл мавжуд эмаслиги сабабли сўзнинг ўзи такрор бўлиб иштирок этган.

**Б.** *They **bowed down** to him rather, because he was all of these things, and then again he was all of these things because the town **bowed down**.* – *Their Eyes Were Watching God* (Zora Neale Hurston).

**Менинг кийимларим қани, менинг кийимларим?** Худо уриб, яна Турсун кийиб юрмасин! (Ў. Умарбеков).

Мазкур мисолларда сўз бирикмаси такрори қўлланган. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, инглиз тилидаги бирикма таркибида предлогни, ўзбек тилида эса қаратқичли сўз бирикмасини кузатишимиз мумкин.

**В.** *Because I do not hope to turn again because I do not hope!* (T. S. Eliot's «Ash-Wednesday»).

**Чарчаб кетдингиз-а, дадаси, чарчаб кетдингиз!** (Ў. Умарбеков).

Юқоридаги мисоллардан шуни англаш мумкинки, бу ўринда эмоционал нутқни ифодалайдиган гап такрорланган.

Биринчи бобнинг «Такрорнинг бадий матндаги талқини» номли учинчи параграфида бадий асарда такрорнинг якка ва кенгайган ҳолда қўлланилиши таҳлил қилинган. Оғзаки ва ёзма адабиётда такрорларнинг унумли қўлланилиши турли бадий санъатлар учун замин яратди. Оғзаки эпик асарларни хотирада узоқ сақлаш учун ҳам зарур бўлган барқарор бандларга асосланган ижро механизмлари биргина ўзбек ёки туркий эпослар учун характерли бўлмай, бошқа халқларнинг, хусусан, европа халқларининг эпослари учун ҳам типик қонуният ҳисобланади. Эпик клишелар бир байт ёки дoston доирасида кўчиб юриши нуктаи назаридан инглиз ва ўзбек тиллари манбаларида индивидуал ва такрорланиб қўлланишига кўра оммавийлиги билан ажралиб туради:

*Дам шу дамдир, ўзга дами дам дема,*

*Бошинг эсон, давлатингни кам дема.*

Ёки: *Кокилларим эшилгандир тол-тол,*

*Ҳар толига берса етмас дунё мол<sup>22</sup>.*

Ўзбек тилига хос ушбу эпик клишелар инглиз тилида шеърий тарзда учрамайди.

Бадий асарда барча услубий воситаларда бўлгани каби такрорнинг зиммасига ҳам тил бирликларига эмоционал бўёқ ва алоҳида оҳанг бериш вазифаси юкланади. Агар имконият бўлса шу вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда муаллиф ёки асар қаҳрамонининг воқеликка субъектив муносабатини ҳам бера олиши керак. Такрорнинг бадий услубда вазифаси бирмунча масъулиятли. Шунинг учун ҳам ижод жараёнида уларга мурожаат қилиш ёзувчидан махсус тайёргарликни талаб қилади ва ана шундай ижодий меҳнат меваси бўлган такрорларгина функционал услуб учун чинакам стилистик усул сифатида хизмат қилади.

Ишнинг «Инглиз ва ўзбек тилларида сўз такрори билан боғлиқ фонографик воситалар» номли тўртинчи параграфида такрорланаётган ҳарф, бўғин, сўз, сўз бирикмаси ёхуд гап бўлишидан қатъи назар тингловчига нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатиши тадқиқ этилган.

Такрор мусиқа ва такрорланувчи мусиқий жумлаларни оҳангдор, таъсирчан ва жозибадор бўлиши, шу йўсинда уларни тингловчи томонидан осонлик билан қабул қилинишида муҳим стилистик усул ҳисобланади. Улар нутқни ташкил қилиш босқичларини олдиндан билишга имкон беради:

1. Тўлдирувчи (тузатувчи) такрорлар тўсатдан пайдо бўладиган нутқда тез-тез учраб туради. Улар парадигматик элемент билан қисман алмашинувчи такрорларни мужассамлаштиради.

2. Турланувчи репризалар тузатишларни, сўзловчи нутқида синтагматик элементнинг кўшилиши, ўзгариши ёки йўқ бўлиши билан тўлдиради. Улар маънони ажратади ва риторик функцияни бажаради.

3. Ассоциатив репризалар – турли-туман вариацияли лексик ҳамда морфологик мулоҳазалар билан келувчи такрорлар бўлиб, П.Нобили уларни

<sup>22</sup><http://fikir.uz/blog/poems/5088.html>

«ассоциатив анафоралар» билан таққослайди<sup>23</sup>. Демак, репризалар узлуксиз ҳаракатни ҳис қилиш оқибатида юзага келади.

Тадқиқотнинг «**Инглиз ва ўзбек тилларида такрорнинг хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида инглиз ва ўзбек тилларида такрорнинг турлари, турли тил сатҳларида ифодаланиши ва матн шакллантирувчи функцияси таҳлил этилган. Инглиз ва ўзбек тилларида такрорнинг қуйидаги турлари мавжуд: семантик, синтактик ва стилистик. Семантик такрор сўз бирикмаси ёки гаплардаги бир ёки бошқа семантик компонентнинг такрорланишидан ҳосил бўлади. Турли тизимга оид инглиз ва ўзбек тилларининг таҳлилидан маълум бўлишича, семантик такрорнинг ифода воситалари ҳам ҳар икки тилда ўзига хосдир. Семантик такрорнинг асосий вазифаси ифодага экспрессивлик мазмун беришдадир. Масалан:

*I did it slowly, very, very slowly (A.E.Pe).*

*Мен уни секин, жуда, жуда секин бажардим.*

Синтактик такрор синтаксисда сегментланган гапнинг алоҳида бир кўриниши сифатида, мустақил гапларни боғлаб турувчи ва гапдаги мантиқий таркибни ўзгартирувчи восита сифатида таърифланади. И.М.Астафьеванинг фикрича, бундай такрорларнинг моҳияти шундан иборатки, «бир гапнинг синтактик тузилмаси кейинги гапда такрорланганда, ўзгача ёки қисман бошқа лексик воситалар қўшилганлиги билан характерланади»<sup>24</sup>. Бошқа олимлар эса, бунақа ҳолатларда синтактик қурилмалар ўзгаришсиз такрорланиши ҳам мумкин, деган фикрни билдирадилар.

Ҳар бир халқ ўз маданияти ва менталитетидан келиб чиққан ҳолда тил бирликларидан, жумладан, стилистик такрордан, фойдаланади. Масалан:

*The man who stood, who stood on sidewalks, who stood facing streets, who stood with his back against store windows or against the walls of buildings, never asked for money, never begged, never put his hand out (Gordon Lish, Sophistication).*

*Бунинг ҳуснигина эмас, ҳатто кийган кийими ҳам мўъжиза-ку, нега менинг отимни билади, нега яна ўзини наст олган товуш билан билан сўрайди? (А.Қаҳҳор).*

Такрор ифодага юқорида таъкидланган жиҳатлар билан бир қаторда кескинлик ҳам бағишлайди. Аммо такрорнинг вазифаси матн ифодалаш билангина чегараланиб қолмайди, унинг маълумотни йўналтиришдаги асосий роли алоҳида аҳамиятга молик.

Иккинчи бобнинг «Инглиз ва ўзбек тилларида такрорнинг турли тил сатҳларида ифодаланиши» номли параграфида синтактик воситаларнинг ҳақиқий кўриниши ва сўз маъносининг интенсивлиги такрорда ҳам ўз ифодасини топиши шарҳланган. Такрорнинг турли кўринишлари қуйидагича акс этиши мумкин.

1. Равиш-интенсив билан келиши:

*It was fascinating. We should shake heads and grin at each other. He was shocking – deliciously shocking (A. Myrer).*

<sup>23</sup>Nobili P. Les répétitions dans la langue parlée // Le Français dans le monde. № 301. – P. 35-40

<sup>24</sup>И.М.Астафьева. Виды синтаксических повторов, их природа и стилистическое использование: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1963. – С. 135.

Ўзингни сойга от. Жойингдан турма-да, сой тубигача **илдам, илдам** бор. Бет-бошинг ёрилади, оёқ-қўлинг лат ейди (Т.Мурод).

2. Сўз унумдорлигини оширувчи сифат ва сифатдош билан ёнма-ён келиши:

*If Herb had thought his family was in **wild danger, mortal danger** he would have fought like a tiger* (Т. Capote).

Ана **тупроқ**, мана **тупроқ!** – дейди. – Бўрсилдоқ **тупроқ**, мағиздор **тупроқ**, ҳосилдор **тупроқ!** **Тупроқмисан-тупроқ!** Аммо бу **тупроқ** сеники эмас, чучела, сенинг тупрогинг эмас! (Т.Мурод).

3. Субстантив (от туркумига оид) сўз бирикмалари билан бирга келиши:

*Defeat lay on her spirit like lead. She had gambled **everything** and lost **everything**. Not even pride was left. This was the dead end of her last hope. This was the end of Tara, the end of them all* (М. Mitchell).

**Ҳеч нима**, тақсир, **ҳеч нима**, ўттизида эр атанган, қирқида шер атанар, дейдилар. Тақсир, мен бир кам саксонда... (Т.Мурод).

4. Содда гап ва сўз бирикмалар ҳисобига кенгайиши:

*Land is the only thing **in the world** that amounts to anything... for 'tis the only thing **in the world** that lasts, and don't you be forgetting it! 'Tis the only thing worth working for – worth dying for* (Idem).

Дехқонқул, **Қон рангдан** ёруғлик тилама. **Қон рангдан** рўшнолик тилама. **Қон рангдан** паноҳ тилама. Қон ранг – жаллод ранг! (Т.Мурод).

5. Синоним такрорнинг қўлланилиши:

*He was sizing up Mark Gaskell as he spoke. He didn't much care for the fellow. **A bold, unscrupulous, hawk** like face. Unscrupulous – that was the world for him* (А. Christie).

Дехқонқул, **Қон рангдан** ёруғлик тилама. **Қон рангдан** рўшнолик тилама. **Қон рангдан** паноҳ тилама. Қон ранг – жаллод ранг! (Т.Мурод).

6. Зид маъноли сўз ва сўз бирикмалари:

*How absurd to call **youth the time of happiness** – **youth, the time of greatest vulnerability*** (I. Shaw).

Мени йўқласа – нима учун йўқлади? **Мен гўдакдан** ҳимо тиладимми? **Мендай мард ўзлондан** нима тилади? (Т.Мурод).

7. Тавтологик такрор:

*Funny, you all look so **young**.*

*We were.*

*No, I mean – **young, young**. I don't know, I can't explain it.*

*You don't have to* (А. Myrer).

Мен шундай, ҳа,

**Ўлса-да ҳам,**

Сўнмас эртақман (М.Шайхзода).

Эътиборли жиҳати шундаки, такрорнинг сўз маъносини кучайтирувчи роли саналмаган воситалар орқали юзага келганда мурожаат билан интенсификатор тузилмаларини киритишда алоҳида ажралиб туради.

Иккинчи бобнинг «Инглиз ва ўзбек тилларида такрорнинг матн шакллантирувчи функцияси» деб номланган навбатдаги параграфиди



такрорнинг матнда қўлланишидаги ўзига хос хусусиятлари, такрорнинг тил тежамкорлигини амалга ошириш функцияси, матн шакллантирувчи функциялари таҳлилга тортилган.

Дастлаб такрор воситаси риторик бирликлар гуруҳига қўшилган. Қадимги Грецияда нотиклик санъати ривожланиши муносабати билан такрор нутқ беагаи, ойдинлик, изчиллик ва мантиқий яқун берувчи бирлик сифатида қабул қилинган. Н.Т.Головкина нотиклик санъатида унга қуйидагича тасниф беради:

- сўзнинг бевосита тадрижий равишда такрорланиши (geminatio);
- сўзнинг якка ҳолда бошланиши (anaphora);
- сўзнинг якка ҳолда тугаши (epistrophe);
- гапнинг боши ва охирида такрорланиш (symploce);
- такрорлаш учун умумий термин (repetitio);
- узун сўз оборотларида уларнинг қисмлари ўртасидаги боғлиқликнинг кучайтирувчи такрорланиш (epanolepsis);
- аввал ёнма-ён, кейин эса алоҳида қўйилган такрорланиш (epandos);
- турли морфологик шакллардаги сўзлар такрори (poliptoton);
- иккилантириш (anadiplosis) кабилар назарда тутилади<sup>25</sup>.

Такрорнинг эмоционал кучайтирувчи стилистик услуб сифатидаги моҳияти шундан иборатки, ифодага ўқувчининг мантиқий ёхуд эмоционал характердаги таъсирини кучайтириши ҳамда алоҳида ҳис-ҳаяжон бериш мақсадига кўра, нейтрал синтактик меъёр орқали аниқ мақсадга йўналтириб, икки ёки кўп бора такроран ифодалаш натижасида юзага келади.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек таржима матнларида такрорнинг ифодаланиши**» деб номланган учинчи бобида В.Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» асаридаги такрорларнинг ўзбекча таржимаси, унда такрорнинг берилиш усуллари, ўзбек шеърияти намуналарининг инглиз тилига бевосита таржимасидаги такрор таҳлили ва Навоий асарларидаги такрорлар ва уларнинг инглизча таржимада акс эттирилиши тадқиқ қилинган.

Таъкидлаш лозимки, таржимон ушбу асарда ёзувчининг (В. Шекспирнинг) асосий мақсади такрор усули орқали халқ тили қахрамонлари нутқини янада таъсирли қилиб тасвирлашдан иборат ғоясини аниқ тасвирлашга муваффақ бўлган. Таржимон томонидан гапнинг энг муҳим бўлагига урғу бериш, сўзловчининг ҳиссий ҳолатини тасвирлаш, унинг таърифланаётган объектга нисбатан эмоционал-экспрессив муносабатини кўрсатиш ҳамда жараён давомийлигини ифодалашда такрор муҳим стилистик роль ўйнаши яққол кўрсатиб берилган. Такрорнинг яна бир муҳим хусусияти – мазкур асарнинг аслиятида ҳам, таржимасида ҳам воқеалар ривожининг кульминацион нуқтасида такрор жуда кўп қўлланган. Демак, воқеа-ҳодисага ҳиссий-экспрессивлик бағишлашда такрор ифода воситасининг аҳамияти беқиёс. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун асарнинг аслияти ва таржимасидан келтирилган қуйидаги мисолларга мурожаат қиламиз.

---

<sup>25</sup>Головкина Н.Т. Повтор как стилистические средства различных видах и жанрах речи: Автореф. дисс. ... канд. филол наук. – М., 1964. – С. 9.

## Такрорларнинг сўз туркумлари жиҳатидан таснифи

Аслият	Таржима матни
<b>1. От сўз туркумига оид сўз такрори</b>	
Hist! <i>Romeo</i> , hist! O! for a falconer's voice, To lure this tassel-gentle back again. Bondage is hoarse, and may not speak aloud, Else would I tear the cave where Eco lies, And make her airy tongue more hoarse than mine, With repetition of my <i>Romeo, Romeo!</i>	Ох, <i>Ромео</i> , лочинларни ундаб олгали, Лочинбозлар менга нега овоз бермади? Бўлмаса мен ғорлардаги Эхо санамин, Акси садо санамини титратар эдим, Хирилларди ҳаволарнинг зўр садоси ҳам – Шу исмни такрор қилса: <i>Ромео – Ромео!</i>
<b>2. Фейл сўз туркумига оид сўз такрори:</b>	
A whispering tale in a fair lady's ear Such as would please; <i>'tis gone, 'tis gone, 'tis gone.</i>	Хонимларга ёққан сўзни шивирлар эдим. <i>Ўтиб кетди, ўтиб кетди, ўша чоклар оҳ!</i>
<b>3. Олмош сўз туркумига оид сўз такрори:</b>	
